БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 25 октябрь Пайшанба
№ 204 (13.640). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг

Улуғ Октябрь социалистик инқилобининг 73 йиллигига

ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин Улуғ Октябрь социалистик инқилобининг 73 йиллиги!

2. Ўртоқлар! Октябрь идеалларига содиқ бўлайлик, Лениннинг номи ва ишини ҳимоя қилайлик!

3. Коммунистлар! Партиянинг чинакам янгиланиши учун, инсонпарвар, демократик социализм учун курашингиз!

4. Ўртоқлар! Ҳуқуқий давлат, иқтисодий тараққиёт, маънавий уйғониш — сиёсатимизнинг асосий мақсадидир!

5. Кўпмиллатли Ватанимизнинг фуқаролари! ССЖИнинг истиқболи — мустақил жумҳуриятлар бирлигидадир! Янги Иттифоқ шартномасини қўллаб-қувватлайлик!

6. Совет Иттифоқининг ишчилари ва деҳқонлари, меҳнаткашлари! Виждонан қилинган меҳнат ва уюшқоқлик — туб иқтисодий ислоҳот муваффақиятининг гаровидир! Қайта қуришнинг ҳал қилувчи одими — халқ хўжалигини барқарорлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтиш дастурини қўллаб-қувватлайлик!

7. Меҳнат кишилари манфаатларини ҳимоя қилиш ва ижтимоий адолат — иқтисодий янгиланишнинг зарур шартларидир!

8. Ватандошлар! Фуқароларнинг тотувлиги — келажакка олиб борадиган ягона йўлдир! Миллатчилик ва айирмачиликка йўл қўймайлик!

9. Халқ депутатлари — коммунистлар! Сайловчиларнинг юксак ишончини ёдда тутинг, Совет ҳокимиятини мустаҳкамланг! Ўзингизнинг Советлардаги ташаббусингиз, амалий ва самарали ишларингизни халқ фаровонлигига йўналтирингиз!

10. Фан ва маданият арбоблари! Ижодий меҳнатингиз билан мамлакат тараққиётига кўмаклашингиз, яхшилик ва инсонпарварлик ғояларини қарор топтирингиз! Маданиятни ривожлантиришга жуда катта аҳамият берайлик!

11. Совет хотин-қизлари! Умумий хонадонимизда тинчлик бўлишига, жамиятимиз турмушини маънавий соғломлаштиришга фаол кўмаклашингиз!

12. Йигит ва қизлар! ССЖИ фуқароси номини шараф билан оқлангиз! Ёшларнинг ақл-идроки ва куч-ғайрати — қайта қуриш ишига сафарбар қилинсин!

13. Комсомоллар! Октябрь ғояларига садоқатли бўлингиз, ҳаётда инсонпарвар умуминсоний қадриятларни қарор топтирингиз!

14. Совет жангчилари! Уюшқоқлик ва интизомни, дўстлик ва жанговар ўртоқликни мустаҳкамлангиз, халқнинг бунёдкор меҳнатини қўриқлангиз!

15. Ватанимизни бунёд этган меҳнаткашларнинг аждодлари ва уни ҳимоя қилган жангчиларга шон-шарафлар ва таъзим бўлсин!

16. Социалистик ғояларнинг тарафдорлари бўлган коммунистларга, сайёрамиздаги барча тараққийпарвар кучларга қардошлик саломи!

17. Жаҳон аҳли! Умуминсоний, жаҳоншумул муаммоларни ҳал этишда куч-ғайратларимизни бирлаштирайлик!

Касаба уюшмалари: янгиланиш йўли

23 октябрь куни Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида очилган ССЖИ касаба уюшмаларининг XIX съездида совет меҳнаткашларининг энг оммавий ташкилотини тубдан янгилаш қоидалари ишлаб чиқилиши лозим. Съезд ишида М. С. Горбачев, А. И. Лукьянов, Н. И. Рижков қатнашмоқдалар.

ВЦСПС раисининг ўринбосари В. П. Шчербаков ҳисобот маърузаси қилди.

Марказий тафтиш комиссиясининг ҳисоботи да қуйидагилар таъкидланди: башарти комиссиянинг ваколатлари кенгроқ бўлганида, у ўз ишида кўпроқ натижаларга эришиш олган бўлур эди. Тафтиш комиссияси тўғрисидаги низом съездда муҳокама қилиниб, ишлаб чиқилаётган пайтда унга касаба уюшмаси хўжалигига моддий зиён етказишда айбдор бўлган кишиларни жавобгарликка тортиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилсин, деб таклиф қилинди.

Касаба уюшмаларидан сайланган ССЖИ халқ депутатларининг иши тўғрисида ВЦСПС котиби А. М. Яковлев ҳисоб берди.

Касаба уюшмаларининг съезди Кремлда ўз ишини давом эттирмоқда.

Келажак авлод тўғрисида ғамхўрлик

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШ КОМИССИЯСИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ.

Аппаратчилардан кимдир турғунлик давридаги ишини бугунги кунда илиқ хотирлади. У пайтда қўлгина мафкуравий, сиёсий масалалар осойишта хоналарда ҳал этилиб, кишиларнинг руҳиятлари ифодаланмас эди. Эндиликда иш бошқача. Айниқса ёшлар ўртасида тез-тез низоли вазиятлар пишиб етилмоқда. Биз норасмийларни истаганча танқид қилишимиз, уларнинг экстремизмни ўтказишда, ўта шовинизм, миллатчилик кўринишларини намоён этишда айблашимиз мумкин. Лекин биз ёшларни йўқотадиган бўлсак, бу мафкуравий ишимизнинг таъсирчан эмаслиги, ношудлигимиз, ишнинг фойдаси учун юзага келган вазиятни тез фаҳмлай олмаслигимиз ва ундан фойдалана билмаслигимиз эканлигини эътироф этишимиз керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг ёшлар билан ишлаш комиссиясининг дастлабки мажлиси йигит-қизларнинг ишончини қозониш учун комсомол ташкилотлари нималарни амалга оширишлари, турли хил ёшлар ҳаракатларига бўлган муносабатларда қандай йўл тутишни ишлаб чиқиш зарурлиги тўғрисида ҳалол ва очиқ-ойдин гап билан бошланди.

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби, комиссия раиси А. Н. Носиров ўз нутқида комиссиянинг мақсадлари ва вазифалари хусусида батафсил тўхталиб ўтди. Комиссия жумҳуриятдаги ёшлар ҳаракатидаги сиёсий муҳитни таҳлил этади, улар билан фирқа қўмиталари, комсомолда ишлаётган ёш фирқаларнинг ҳамжиҳатлигига тааллуқли бўлган таклифларни ишлаб чиқади.

Комиссия демократияни янада ривожлантириш, комсомол ташкилотларининг ташкилий мустақиллигини янада тўлароқ амалга ошириш шароитида йигит-қизлар билан сиёсий-тарбиявий, мафкуравий иш олиб боришнинг самарадорлигини ошириш юзасидан аниқ тавсиялар тайёрлайди.

Комиссия ўз фаолиятида Марказий Қўмита бўлимларининг, маҳаллий фирқа, шўро, комсомол органларининг, бошқа жамоат ташкилотларининг ва мафкура муассасаларининг ахборот-таҳлил ва прогноз-социологик ёрдамларидан фойдаланишга умид қилади. Комиссия аъзолари турли хил оммавий ахборот воситаларидан ошкора иш юритишда фойдаланишни назарда тутганлар.

Комиссия раиси ёшлар муаммоларини ишлаб чиқишда қўпинча эскича ёндашилаётганлигига эътиборни қаратди. Мабодо талабалар ва бошқа қатламлар ўртасида бирор бир нарса кўнгилдагидек бўлмаса, комсомол шаънига айбловлар ёғдирилади. Ахир у ерларда ҳозир бошқа тузилмалар ҳам ҳаракат қилмоқда-ку. Уларни ҳам ҳисобдан чиқариб ташлаш мумкин эмас. Жойларда нишинг аҳволини чуқур ўрганишнинг ўрнига тақозо этади. Ёшлар билан фақат куч ишлатиш нуқтаи назари билан мулоқотда бўлмаслик керак.

Ахир ижозат этилмаган митингларда миллатлараро низоларга даъватларда кўпинча ёшлар зарбдор куч бўлиб чиқаётганликлари сир эмас. Уларни мана шундай ҳаракатларга нима мажбур этаётганлигини фарқлаш ёмон бўлмас эди.

Комиссиянинг биринчи мажлисида кўтарилган масалаларни муҳокама қилишда Ўзбекистон ССЖ маданият вазири Н. Я. Ғоибов, жумҳурият Олий Кенгаши ёшлар ишлари доимий комиссияси раиси А. А. Аъзамхўжаев, Самарқанд шаҳар фирқа қўмитасининг биринчи котиби Н. Н. Ёқубов ва бошқа ўртоқлар ўз нуқтаи назарларини билдирдилар. Мажлис қатнашчилари Ўзбекистон Компартияси учун комсомол тўғрисидаги масала — бу аввало сиёсий ўринбосарларни собитқадам тарбиялаш масаласи эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Ёшлар ўртасидаги ижтимоий кескинлик фирқанинг ёшлар сиёсати юзасидан яхлит ва изчил сиёсати йўқлиги билан белгиланади. Ана шу камчилик тузатилиши зарур. Ёшлар қайта қуриш жараёнидаги қийинчиликлардан фойдаланиб қолаётганлар, ҳокимият тепасига чиқиб олишга уринаётганларнинг қурбонлари бўлиб қолаётганликлари тасодиф эмас. Ўтмиш даврнинг, 20-йилларда кўп фирқалик ва жамоат оқимлари ёшлар муҳитларида бўлган пайтларда ёшлар билан қандай иш олиб борилганлиги тарихий тажрибаси таҳлил қилинди.


Мажлисда комиссиянинг тузилиши, вазифаларни тақсимлаш тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинди. Комиссия раисининг муовини этиб ҚҚМССЖ Кегайли ноҳия фирқа қўмитасининг биринчи котиби Б. С. Бекниёзов сайланди, Бекобод ноҳиясидаги ўрта мактабнинг директори А. Х. Бобоев комиссия котиби бўлди.

«Ҳосил—90»

САЙҲУН БЎЙЛАРИДА ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ

Тошкентликлар ва сирдарёликлар йиллик пахта тайёрлаш режасини бажардилар







Бўка ноҳиясидаги Ильич номли жамоа хўжалигининг К. Юнусов бошлиқ бригада аъзолари вилоят пахта хирмонининг юксалишига муносиб ҳисса қўшдилар. Улар 92 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33 центнердан ошириб ҳосил кўтардилар.

* * *

Жума Ҳамроев бошлиқ бригада аъзолари Оқолтин ноҳиясидаги Абдалин номли жамоа хўжалигида меҳнат қилишади. Улар ҳар гектар майдондан планда белгиланган 17 центнер ўрнига 25 центнердан пахта йиғиштириб олишди.

СУРАТЛАРДА:
Механизаторлар К. Мусаев, Э. Бўроновлар бригада бошлиғи К. Юнусов билан.
Бригадир Ж. Ҳамроев.
«Зангори кема»лар далада.

Суратчилар А. ЗУФАРОВ, Е. БОТИРОВ.

БОЛАЛАР УЧУН ДРАМА ТЕАТРИ

А. Мажидий номли Каттақўрғон драма театри янги, болалар учун махсус тайёрланган саҳна асарлари билан ёш томошабинлар эътиборини қозонишга аҳд қилди.

Ёш драматург Жўра Маҳмудовнинг «Бирлашган ўзар» пьесаси асосида тайёрланган спектакль театрнинг ижро мундарижасини бойитди. Ўткир зиддиятли бу асарда гап миллатлараро муносабатлар ҳақида, дўстлик ва дўстликдаги ҳалоллик қадри тўғрисида боради. Спектаклни режиссёр Иброҳим Нурмонов саҳналаштирди. Саҳна учун манзараларни рассом Н. Қораев чизган.

(ЎзТАГ).

ДЎСТЛИК КЎПРИГИ

Туркманистоннинг Чоржўй вилоятидаги Керки ноҳияси билан қўриқ ўлка пойтахти — Қарши шаҳри ўртасида ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузилди. Бу иш Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон ўртасида тузилган ҳамда шу жумҳуриятлар раҳбарлари Олмаотада имзолаган иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги аҳднома доирасида амалга оширилди. Бу шартнома ўзаро манфаатли муносабатлар асосида бозор иқтисодиётига ўтиш, қайта қуришга ҳамда миллатлараро муносабатларга доир кўпгина муаммоларни ҳал этиш, маданий алоқаларни мустаҳкамлаш имконини беради.

Бу шартноманинг ўз қадимий муқаддимаси бор. Керки ноҳияси билан Қарши аҳолиси қадимданоқ дўст бўлиб, ҳамкорлик қилиб келади. Бу халқларнинг анъаналари ва урф-одатлари ҳам кўп жиҳатдан ўхшаш. Қолаверса, савдо алоқалари ҳам яхши муносабатларни сақлаб туришга ёрдам бермоқда. Машҳур «ипак йўли» сўқмоқлари Қарши орқали ўтган.

Энди қўшнилар бир-бирларининг ҳузурларига иш юзасидан яна ҳам кўпроқ ташриф буюриб турадилар. Шартномага биноан Қаршида «Туркманистон кунлари» ҳамда Керкида «Ўзбекистон кунлари» ўтказиш кузда тутилган. Ижодий жамоалар ўртасидаги алоқалар ҳам мустаҳкамланади: дасталар ва халқ театрларининг ижодий сафарларга чиқишлари режалаштирилган. Спорт жамоалари ҳам ўз кучларини синаб кўришади. Қарши муаллимлар илмгоҳида Чоржўй вилояти учун кадрлар тайёрлашга қарор қилинди. Бу ерда ўзбек миллатига мансуб бир неча минг оила ғуж бўлиб яшамоқда.

В. ШУМАЙЛОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ

Зобитлар уйи. Доим унинг остонасидан ҳадик ила ҳатлайман. «Қўйишармикан?». Боиси, бир неча бор «оғзимиз куйган». Майли, ўтган ишга саловат. Барибир кўнглимнинг бир четида ўксик хаёллар чарх уради. Чунки худди мана шу салобатли бинода ўтган ҳар йиғинда ҳарбийлар билан зиёли фуқаролар ўртасида қизғин баҳслар, тортишувлар бўлади...

Бу галги учрашув жуда жонли ва қизиқарли ўтди. Туркистон ҳарбий мавзесида хизмат қилаётган барча комсомол етакчиларининг Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятларида чиқаётган ёшлар рўзномалари вакиллари билан биринчи марта юзма-юз мулоқот ўтказилди. Албатта, армияда бугунги кунда юзага келган вазият ниҳоятда мураккаб бўлиб турганлиги сир эмас. Яна бир муҳим томони, ҳарбийларнинг сал кам тўқсон фоизи комсомол аъзоларидир. Лекин фуқаро комсомолларининг аҳволи ҳам қувонарли даражада эмас. Нима қилиш керак? Етмиш йилдан кўпроқ вақт мобайнида такрорлаб келган шиоримиз «Армия билан халқ якдил»ми ё?..

Йўқ. Биз зобитлар билан бу шиорни муҳокама қилмадик. Армиядаги муаммолар, аскарлар билан зобитлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг баъзи чигалликлари, шу жумладан оммавий ахборот воситалари олдида турган қатор муаммолар ҳақида баҳслашдик.

Айниқса, капитан А. Голушенконинг «Нега рўзномалар, ойнаи жаҳон ва овозингор журналистлари армиядаги юзага келган муаммолар, жумҳуриятларда фаолият кўрсатаётган, аҳоли орасида катта обрў-эътиборга эга бўлган норасмий уюшмалар ҳақида асл ҳақиқатни ёзмайдилар, айтмайдилар?» дея берган саволи қизғин мунозарага сабаб бўлди. Шу ўринда «Комсомолец Узбекистана» рўзномаси катта мухбири Вероника Сайкинанинг қуйидаги гапларини келтириш жоиздир: «Ҳамма соҳанинг ўз ички имкониятлари ва сирлари бўлади. Шу жумладан, биз журналистларга билдирилган эътироз ўринли бўлгани билан бизни ҳам тушунинглар. Сизларда «ҳарбий сир» деган гап бор. Бизлар у девордан ошиб ўтолмаймиз. Тўғриси, қўйишмайди. Ёзаман десак, муаммо, дард кўп. Жамиятимизнинг қай аҳволдалигини сизларга тушунтириб ўтириш ортиқча...»

Яна бир ҳамкасбимиз «Комсомолец Таджикистана» рўзномаси ходими Темур Қиличев, «Комсомолец Туркменистана» рўзномаси муҳаррири ўринбосари Алла Громовалар ҳам ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

Айниқса, уларнинг норасмий уюшма аъзолари билан муносабатларни янада яхшилаш, имкони бўлса, таклиф этилаётган дастурлар муҳокамасида ҳарбийларнинг ҳам иштирок этиши ҳақидаги таклифлари муҳимдир. Чунки ҳозирги кунда армия сафида хизмат қилаётган аскарлар орасида фуқаровик даврида шундай уюшмаларга аъзо бўлган ёшлар ҳам кўп. Улар билан очиқчасига мулоқот қилиш керак. Шундагина икки томон ҳам айрича ҳаракат олиб бормайди.

Норқобил ЖАЛИЛ.

ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ ЖИҲАТДАН КАМОЛ ТОПТИРАЙЛИК

Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашида

Кейинги вақтда жумҳурият раҳбарияти аҳоли турли табақаларининг ижтимоий эҳтиёжларига, уларнинг моддий аҳволини яхшилашга асосий эътиборни қаратаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Бу борада болалар ва ёшларга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши жумҳурият Президентининг топширувига биноан болалар боғчаларининг тарбияланувчилари, мактаб ўқувчилари, махсус ҳунар-техника билим юртлари, ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчилари ва олий ўқув юртларининг талабалари 1990 йилнинг 1 ноябридан давлат театрларига, концерт-филармония ташкилотларига (В. И. Ленин номли ССЖИ Халқлари дўстлиги саройидан ташқари) бир ойда бир марта бепул боришини жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу қарор ёш авлодни бадиий маданиятнинг энг яхши намуналарига ошно қилишга, уларда юксак ғоявий ва ахлоқий фазилатларни, бадиий дидни шакллантиришга қаратилган.

Жумҳуриятнинг халқ таълими вазирлигига, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига, бошқа вазирликларига ҳамда ихтиёрида ўқув юртлари ва мактабгача болалар муассасалари бўлган идораларига маданият вазирлиги билан биргаликда маданият муассасаларига жамоа бўлиб бориш тартиби ва жадвалини белгилаш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон Маданият вазирлиги ва Театр арбоблари уюшмаси томошабинларнинг ана шу тоифаси учун мўлжалланган репертуарни қайта кўриб чиқишлари мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Қорақалпоғистон ССМЖ Вазирлар Кенгашига, вилоят ижроия комитетларига, Тошкент шаҳар ижроия комитетига болалар боғчаларининг тарбияланувчилари, мактаб ўқувчилари, махсус ҳунар-техника билим юртлари, ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчилари, олий ўқув юртларининг талабалари жамоа бўлиб маданият муассасаларига боришларини ташкил этишда ҳар томонлама кўмаклашиш вазифаси топширилди.

ЖУМҲУРИЯТ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИНИ ШАРҲЛАЙДИЛАР:

Ўзбекистон ССЖ Олий ва ўрта махсус таълим вазири Ш. АЛИМОВ:

— Ушбу қарорнинг қабул қилиниши олий ўқув юртлари ҳамда эстетика, тарих ва жаҳон ҳамда Ватан маданияти назарияси кафедралари олдига янги вазифалар қўяди. Мазкур фанлар бўйича у ёки бу мавзу юзасидан театрлар, музейлар ёки талабаларнинг дарсхоналарида маданият арбоблари иштирокида амалий машғулотлар ўтказиш мумкин бўлади. Бошқача қилиб айтганда, олий ўқув юртлари билан ўрта махсус билим юртлари бўлажак мутахассисларга инсонпарварлик — эстетик маълумот беришни ривожлантириш учун қўшимча имкониятга эга бўлдилар.

Ўқув юртларининг маданият муассасалари билан ҳамдўстлигининг бундай шакли талабаларнинг умумий маданий савиясини оширишгагина эмас, айни вақтда улар бадиий ижодини ривожлантиришга ҳам кўмаклашиши шубҳасиздир.

Жумҳурият Халқ таълими вазирининг ўринбосари С. МАХНЕНКО:

— Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашининг қарори ёшларни маънавий жиҳатдан камол топтириш учун қулай шарт-шароит яратишга қаратилган. Ўтган йили мактаблар, ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари, талабалар, аҳоли бошқа тоифаларининг вакиллари жумҳурият давлат музейларига ҳафтада бир марта бепул боришлари хусусида шундай қарор қабул қилинган эди. Бу ҳукуматнинг ижтимоий-маданий сиёсат ўтказишда, айниқса бугунги шароитда кам таъминланган оилалар учун жуда зарур бўлган ижтимоий-маданий сиёсатининг изчиллигидан далолат беради.

Жумҳуриятимизда 31 та давлат театри, 7 та давлат филармонияси, «Баҳор» рақс ансамбли бор.

Янги қарор 300 мингга яқин ўқувчи ҳар йили театр, мусиқа, шеърият, рақс олами билан бевосита ошно бўлишига имкон беради, бундан кейин ҳам гўзаллик олами билан мустақил танишиш учун омил бағишлайди.

Қарорни рўёбга чиқаришда халқ таълими ва маданият вазирликлари янада мустаҳкам алоқа ўрнатишларини, уларнинг жойлардаги муассасалари, ташкилотлари фаолиятида давомийлик бўлишини назарда тутади, эстетик тарбиянинг йўлга қўйилишига янгича ёндашувларни тақозо этади.

Бу ўринда гап театрлар, филармонияларга бир марта бориш ҳақида эмас, балки узлуксиз эстетик тарбиянинг принципиал янги системасини яратиш ҳақида бориши кераклиги тушунарлидир. Ёшларни драма, опера, симфонияларни тушунишга тайёрлаш керак. Демак, мактабларнинг режаларидан артистлар, мусиқачилар билан учрашувлар, ижод дарслари, гўзаллик дарслари мустаҳкам ўрин олади. Театрлар, филармонияларга борилганидан кейин эса таассуротларни ўртоқлашиш, иншо ёзиш, расм чизиш юзасидан мусобақалар ўтказиш, мунозаралар ва шунга ўхшаш кўп тадбирларни амалга ошириш керак бўлади.

Ўз навбатида ижодий ходимларнинг фаолиятида қатнашиш ҳозирги ёшлар маданий савияси даражасини, қизиқишларининг қандай руҳда эканлигини аниқлаб олишга ва ана шу асосда репертуарни тўғри режалаштиришга, унинг ижросига тузатишлар киритишга имкон беради.

Қарор қоғозда қолиб кетмаслиги учун ҳар бир мактаб, ҳунар-техника билим юрти, илмгоҳ юқоридан кўрсатма берилишини кутиб ўтирмай, театрлар, филармониялар билан алоқа ўрнатишлари зарур.

Вилоят халқ таълими бўлимлари маданият муассасаларига бориш жадвалини ишлаб чиқар эканлар, айниқса қишлоқ ноҳиялари тўғрисида ғамхўрлик қилишлари лозим.

Албатта, бўлажак тарбиячилар — педагогика олий ўқув юртларининг талабалари янги имкониятлардан тўлиқ даражада фойдаланишлари даркор.

Ўзбекистон ССЖ Фуқаролиги тўғрисидаги Қонун лойиҳасини муҳокама қиламиз

Ўзбекистон ССЖ фуқаролиги тўғрисидаги Қонун лойиҳаси шахснинг жумҳурият билан доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасига бағишланган жумҳурият тарихидаги биринчи Қонун лойиҳаси ҳисобланади. Унда етарли даражада ҳар бир масала таҳлил этилган, фуқароликка эга бўлишлик ва ундан чиқишлик, васийлар ва ота-оналарнинг фуқаролиги ўзгариши пайтида болаларнинг фуқаролигини белгилаш масалалари синчиклаб ишлаб чиқилган.

Лойиҳа 1978 йил 1 декабрдаги ССЖИ фуқаролиги тўғрисидаги Қонунда бўлган, амалиётда ўзини оқлаган қоидаларни қабул қилиб олган. Лекин бир қатор масалаларда Иттифоқ Қонунидан ҳам илгарилаб кетган. Масалан, 1-моддада Ўзбекистон ССЖ фуқаролиги тушунчасига таъриф берилган. Бироқ, бу таърифни бенуқсон деб бўлмайди. Фуқаролик, бу шунчаки давлат билан шахснинг доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқаси бўлибгина қолмай, балки биринчи навбатда шахснинг аниқ давлатга мансублигидир.

Ҳақиқий ҳуқуқий давлат учун миллий ҳуқуқ нормалари олдида Халқаро ҳуқуқий нормалар устунлиги характерлидир. Мана шу лойиҳанинг 1-моддасида инсон ҳуқуқлари Умумий декларациясининг 15-моддаси қоидаси келтирилади. Шунга мувофиқ ҳеч ким зўрлик билан фуқароликдан ёки ўзининг фуқароликни ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас.

Лойиҳанинг 2-моддасида фуқаролик тенг ҳуқуқлилиги эълон қилинади. Ана шунга мувофиқ бошқа иттифоқдош жумҳуриятлар фуқаролари Ўзбекистон ҳудудида унинг фуқаролари билан тенг ҳуқуққа ва улар билан тенг мажбуриятларга эгадирлар. Ана шу қоида яқин ўртада тўғри келиши мумкин эди. Эндиликда эса вазият ўзгарди. Бир қатор жумҳуриятлар эндиликда ўзларини иттифоқдош, деб атамаётирлар. Ҳозирча янги Иттифоқ шартномаси имзоланганича йўқ. Шунинг учун 2-модданинг 4-банди бошқача таърифда: «ССЖИнинг барча фуқаролари Ўзбекистон ССЖ ҳудудида»... деб ўзгартириш ва кейин матн бўйича ёзилиши керак.

Лойиҳа бўйича бошқа фикр-мулоҳазалар ҳам бор.

1- ва 7-моддаларда «Ўзбекистон давлати» ибораси қўлланилган. Ўзбекистон ССЖ Конституциясида ҳам, ҳозирда амалда бўлган жумҳурият Қонун актларида ҳам бу ибора қўлланилмаган. Уни «Ўзбекистон ССЖ» ёки «Жумҳурият» ва ёки «Ўзбекистон жумҳурияти» сўзлари билан ўзгартириш лозим бўлади.

Ўзбекистон ССЖ фуқаролигига мансубликни таърифлаш етарли даражада аниқ эмас. Лойиҳанинг 4-моддасига мувофиқ жумҳурият фуқаролари кўриб чиқилаётган Қонун лойиҳаси кучга кирган кундан эътиборан Ўзбекистон ССЖ фуқаролигида бўлган шахслар ҳисобланадилар. Бироқ, илгари Ўзбекистон ССЖ фуқаролиги ҳеч қачон белгилаб берилмаган эди. Амалда жумҳурият ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилувчи исталган Шўро фуқароси жумҳурият фуқароси, деб эътироф этилган эди.

Ўзбекистон ССЖ фуқаролигини олишлик асосига бағишланган лойиҳанинг 11-моддасида ҳам бу масала ойдинлаштирилмаган. Масалан, бошқа иттифоқдош жумҳуриятларда таваллуд топган, лекин жумҳурият ҳудудида вояга етаётган шахс жумҳурият фуқароси, деб ҳисобланадими? Бу ўринда икки йўл мавжуд: а). Қонун кучга кирган кундан бошлаб агар у бошқа иттифоқдош жумҳуриятлар фуқаролигига мансублигини исботлай олмаганда (агар у Ўзбекистон ССЖ фуқаролигидан ўзининг чиқишини баён қилмаса) маълум бир муддатда жумҳурият ҳудудида яшаётган ССЖИнинг исталган фуқароси Ўзбекистон ССЖ фуқароси деб эътироф этилади.

б). Ўзбекистон ССЖ фуқароси, деб жумҳуриятда туғилган шахсларгина эътироф этилади. Ўзбекистонда яшаётган қолган барча шахслар Ўзбекистон ССЖ фуқаролигини олиши зарур.

МУКАММАЛ БЎЛИШИ ЛОЗИМ

Фуқароликни олиш тўғрисидаги умумий масалани фақат ҳуқуқшунослар учунгина тушунарли бўлган тилда эмас, балки барча фуқаролар учун ҳам тушунарли бўлган тилда баён этилишига эришиш лозим. Масалан, лойиҳада 11-модданинг 1-бандида фуқаролик Ўзбекистон ССЖда туғилган кундан бошлабоқ олиниши лозимлиги белгилаб қўйилган. Бу қандай маънони англатади? Туғилгани бўйичами? Жумҳуриятда туғилган ҳар бир киши барча ҳолларда ҳам Ўзбекистон ССЖ фуқароси, деб ҳисобланадими? Ана шу саволга жавобни лойиҳанинг кейинги моддаларидан оламиз. Шу моддага аниқлик киритиш учун 11-модданинг 1-бандига изоҳ берилиши мақсадга мувофиқ бўларди. Уни қуйидагича баён қилиш керак: «1). 12-, 13-, 14-, 15-моддаларда назарда тутилган асосларга ва ҳолатларда туғилгани бўйича»; II бўлим «Ўзбекистон ССЖ фуқаролигини олиш» ҳақида. Лойиҳанинг 17-моддаси эса Ўзбекистон ССЖ фуқаролигини тиклашга бағишланган. Ана шу моддани III бўлимга жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу билан бир пайтда уни: **«Ўзбекистон ССЖда фуқароликни тўхтатиш. Ўзбекистон ССЖда фуқароликни тиклаш»**, деб номлаш лозим. Ахир фуқаролик тўхтатилгандан кейингина фуқароликка тиклаш мумкин.

39-моддада бошқа иттифоқдош жумҳуриятларда яшаётган ариза берувчиларнинг фуқаролик масаласи юзасидан аризаларни расмийлаштириш тартиблари белгиланган. Ариза берувчилар ҳақида эса 35-модданинг 2-бандида кўрсатилган.

Лойиҳада жумҳуриятдан чақирилган ёки бошқа жумҳуриятлардан чақирилиб (қисқа муддатли) ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар Ўзбекистон ССЖ фуқароси ҳисобланадими ёки йўқлиги. Шунингдек, Ўзбекистон ССЖда доимий яшаётган, лекин вақтинча (шартнома ёки халқаро ташкилотлар) бўйича хорижга ишга кетган шахслар Ўзбекистон ССЖ фуқароси ҳисобланадими ёки йўқлиги тўғрисидаги масала четлаб ўтилган. Лойиҳанинг 6-моддасида, афтидан мана шу қоидаларни аниқлаштириш лозим бўлади.

Лойиҳада Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти фуқароси бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон ССЖ фуқароси ҳисобланиши белгиланади (2-модда). Лекин унда ҚҚМССЖ фуқароси бўлган қорақалпоқ лойиҳанинг 46-моддасига кўра «Ўзбек халқининг урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилишга» тантанали равишда қасамёд қабул қилиши керак бўлар экан-да?! Ана шу қасамёднинг матн қисми Ўзбекистоннинг бошқа туб миллатлари томонидан ҳам эътирозга сабаб бўлиши мумкин. Шу муносабат билан уни лойиҳадан чиқариб ташлаш ёки қайта ишлаш зарур. Шу модданинг 2-бандининг текстини қуйидагича беришни мақсадга мувофиқ, деб биламиз:

«Мен (фамилияси, исми) Ўзбекистон ССЖ фуқаролигини олар эканман. Ўзбекистон ССЖ Конституцияси ва қонунларига сўзсиз риоя қилишга, мустақил Ўзбекистон давлатининг манфаатларига зарар етказиш мумкин бўлган ҳаракатларга йўл қўймасликка, Ўзбекистон халқларининг урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилишга тантанали равишда қасамёд қиламан».

Қонун лойиҳасининг айрим таърифлари шундайки, уларни амалга ошириш икки ёқлама фуқаролик кўринишининг кўпдан-кўп ҳолатларига олиб келади. Масалан, 13-моддада ота-оналарнинг турли фуқаролигида юзага келган фарзанд, агар волидалардан бири Ўзбекистон ССЖ фуқароси ҳисобланган бўлса, Ўзбекистон ССЖдан ташқарида туғилса, лекин ота-онаси ёки улардан бири ана шу пайтда Ўзбекистон ССЖ ҳудудида доимий яшаб турган бўлса, Ўзбекистон ССЖ фуқароси ҳисобланади. **(Изоҳ бизники М. М., В. С.).** Агар бошқа иттифоқдош жумҳуриятларнинг фуқаролик тўғрисидаги Қонунида ана шундай қоида бўлса, бола икки фуқаролик бўлишини юзага келтиради. Шартли мисол тариқасида кенг тарқалган ҳолатни келтирмоқчимиз. Ўзбекистон ССЖ фуқароси бошқа жумҳурият фуқаросига уйланади. Фарзанд Ўзбекистондан ташқарида туғилади. Онаси эса Ўзбекистон ССЖ ҳудудида доимий яшаш жойига эга бўлмаса-чи?! Шу ўринда бошқа қонуншунослар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини баён этадилар, деб умид қиламиз.

М. МИРҲАМИДОВ,
С. СТАСЬКО,
ТошДД ҳуқуқшунослик куллиёти доцентлари, ҳуқуқшунослик фанлари номзодлари.

Долзарб мавзу

КИМНИНГ НОМИДАН СЎЗЛАЯПСИЗ?

Келинг, яхшиси, собиқ Навоий вилоятининг бундан тўрт йил олдинги даврига бир қур назар ташлайлик. Вилоят ва шаҳар раҳбарлари линолеум заводи қурилишини ёқлаб чиқдилар.

1986 йил 11 сентябрда линолеум заводи қурилишига ер ажратиш тўғрисида акт тузилди. Бу актга жумҳурият Маҳаллий саноат вазирлиги розилик берди. Вилоят ижроқўми раисининг биринчи ўринбосари В. Уласевич актга имзо чекди. Навоий шаҳар ижроқўми раисининг ўринбосари Х. Еникеев ижроқўмнинг рози эканлигини тасдиқлаб, актга муҳр босди. Шундан кейин вилоят ижроқўми раиси И. Бўриев қурилажак корхонага ер ажратиш тўғрисида қарор чиқарди. Бу 4 ноябрда содир бўлди. Орадан тўққиз кун ўтгач жумҳурият Вазирлар Кенгаши Навоийда линолеум заводини қуриш тўғрисида қарор қабул қилди. Завод қурилиши тўғрисидаги масала бор-йўғи уч ой давомида ҳал бўлди.

Ўз юртини севган раҳбар ҳеч қачон ўз фуқароларига ёмонликни раво кўрмайди. Бироқ Навоий шаҳри ўзининг ўттиз йиллик фаолиятида бирор муқим раҳбарни кўрмади. Шаҳардаги саноат корхоналарини айтмай қўя қолайлик. Шаҳар раҳбарлари лавозимларидан бўшатилгач, ўз туғилган юртларига жўнаб кетишади. Улар имзо чеккан қарорларнинг жабрини ерлик аҳоли тортиб қолаверади. Линолеум заводи қурилишига розилик берган раҳбарларнинг бирортаси эндиликда Навоий шаҳрида яшамайди.

Негаки, ўша пайтларда линолеум заводидан чиқадиган заҳарли моддалар миқдори ҳисоблаб чиқилганди. Агар қурилажак янги завод йилига 10 миллион квадрат метр линолеум ишлаб чиқарадиган бўлса у ҳолда инсон учун ўта хавфли 4,1 тонна винилхлорид, 3,5 тонна бензол, 0,8 тонна этилбензол, 15,9 тонна хлорли водород, 35,6 тонна диакинофтлота атроф-муҳитга чиқариб ташланади. Ҳолбуки, ҳозирги кунда шаҳардаги «Навоиазот» бирлашмаси, Навоий тоғ-металлургия комбинати, электрокимё ва цемент заводлари ҳар йили 100 минг тоннадан зиёд заҳарли моддалар чиқариб ташламоқда. Булар ҳақида матбуотда кўп ёзилди. Лекин шунга қарамай вилоят, шаҳар раҳбарлари сезиларли чора қўлламадилар. Бу ҳам етмагандай шаҳарда линолеум заводини қуришга рухсат берганликларини қандай баҳолаш керак? Айниқса, Навоий шаҳар ижроия қўмитаси бўлим мудири С. Маннопов завод қурилишининг чинакам ҳимоячисига айлангани кўпчиликнинг қаҳр-ғазабини уйғотиб юборди. У, ҳатто, «Советская Бухара» рўзномасида (20 июнь 1990 йил) «Бу биз учун фойдали» сарлавҳали мақолани эълон қилдиришга улгурди. Унинг ёзишича, Навоийда линолеум заводи қурилиши керак. Негаки, айни пайтда навоийлик қурувчилар бир погон метр линолеумни Оҳангарон заводидан саккиз сўмга сотиб олишяпти. Яна С. Маннопов ёзадики, қурилажак заводга 68 миллион сўмлик капитал маблағ ажратиш мўлжалланган. Янги завод ишчилари айни пайтда 500 та квартирага ҳам эга бўладилар. Завод ишга тушгач навоийликлар учун 537 та янги иш жойи ҳозирланади.

Кўриниб турибдики С. Маннопов ҳам чакана далиллар билан чиқаётгани йўқ. Аммо, 120 минглик навоийликларнинг сиҳат-саломатлигига С. Маннопов кафолат берармикан?

Хуллас, навоийликлар яна бир фожиа остонасида турибдилар. Энг сўнгги умид — шаҳар Шўроси депутатларидан. Сайловолди учрашувларида берилган қоп-қоп ваъдалар ижросини сайловчилар орзиқиб кутишяпти.

Маҳмуд МАРДИЕВ,
«Ёш ленинчи» мухбири.



Аёлни рўзғорнинг гули, деб бежиз айтишмайди. Айниқса, чеварларнинг ишларини кўриб ҳар ким ҳам тасанно дейди. Самарқанддаги М. Ўринхўжаев номидаги трикотаж фабрикаси ишчиси Шоҳсанам Зоҳидованинг (олдинда) тикаётган кийимлари ҳам сифатли, ҳам бежирим.

Ғ. АЛИЕВ олган сурат.

ЎЗ КУЧИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ!

«Маданият ташаббуси» Совет — Америка жамғармаси Совет Иттифоқидаги ёш тадқиқотчиларни Буюк Британияда бир йиллик стажировка ўташ учун ўтказиладиган конкурсда иштирок этишга таклиф қилади.

Бу конкурс тўрт йилдан буён ўтказилмоқда. Бу йил у ўз доирасини кенгайтириб, янада демократик бўлади. Сиз ўз ижодий имкониятларингизни фақат Оксфорд ва Лондон дорилфунунларида (20 та ўрин) эмас, шу билан бирга Кембриж (6 ўрин) ва Манчестерда (3 та ўрин) оширишингиз мумкин.

Британия дорилфунунлари ва коллежларида стажировкадан ўтиш учун конкурсда олий ўқув юртларини кўпи билан уч йил муқаддам тугатган, фанда янги йўналишларни ишлаб чиқаётган ҳамда илмий раҳбарларга эга бўлган, гуманитар ва табиий фанлар аспирантлари (кундузги ва сиртқи), олий ўқув юртидаги ўқишни 1991 йилда туғаллайдиган ва ҳозирданоқ тадқиқотчилик фаолиятига мойиллик билдирган талабалар ўз кучларини синаб кўришлари мумкин. Номзодларни танлаб олишда даъвогарнинг ижодий имкониятлари ва тадқиқотчилик фаолияти (илмий мақолалари ва кашфиётлари, конференцияларда, симпозиумларда қатнашиши), Англияда стажировкадан ўтишни зарур қилиб қўйган сабаблар, тадқиқотчининг шахсий фазилатлари ҳисобга олинади.


Даъвогарнинг инглиз тилида эркин сўзлаша олиши зарурий шартдир.

Биз даъвогарлар орасида илмнинг мамлакатимизда ҳозирча кам ўрганилаётган соҳалари билан боғлиқ тадқиқотлар олиб бораётган ёш олимлар кўпроқ бўлишидан манфаатдормиз. Ривожланиш социологияси ва сиёсатшунослиги, можарошунослик ва можароларни бартараф этиш, ижтимоий менежмент, қиёсий макроиқтисодиёт, миллий ва диний ҳаракатлар сиёсатшунослиги, эвристик психология, ижтимоий моделлаштириш ва рефлексив ўйинлар, стратегик бошқарув ва ҳоказолар илмнинг шундай соҳалари жумласидандир.

Конкурсда иштирок этишни истовчи барча ёш тадқиқотчилар конкурсда қатнашиш учун зарур бўлган варақаларни юборишни илтимос қилиб, жамғармага, мурожаат этишлари мумкин. Бунинг учун шу йил **30 октябрга қадар 921-20-65, 928-64-22 рақамли телефонларга қўнғироқ қилиш, ўз манзилгоҳларини маълум қилиш, ўзингизни қайси дорилфунун қизиқтираётганлигини билдиришингиз зарур.** Шунда сизга зарур ҳужжатлар мажмуи жўнатилади. Почта хизматидан фойдаланишни маъқул кўрганлар қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилишлари мумкин: **107078, Москва, Б-78, «Маданият ташаббуси» Совет-Америка жамғармаси.**

Ўзбекистонда саралаш тадбирларини ўтказишда Улуғбек номли жамғарма ёрдам беради. Даъвогарлар ўзлари ҳақидаги маълумотларни қуйидаги манзилгоҳга хабар қилишларини сўраймиз: **700029 Тошкент, Намойишлар хиёбони, 5-уй, Амиус ва Улуғбек жамғармаси, телефон: 39-41-84.**

Хориждан хабарлар



Хиросима. Нагасаки фожеаси... ҳали неча йиллар, асрлар ўтар, лекин ҳар бир япон фуқароси кўксини 1945 йилги даҳшатли қирғин бир умр ўртайверади, тирнайверади... Қурбонлар беҳисоб эди. Уларнинг муборак хотирасига ўрнатилган ёдгорлик пойига ҳар бир япон ҳар тонг гуллар қўйверганн билан етмайди.

СУРАТДА: Хиросима шаҳрида марҳумлар хотирасига атаб қўйилган чироқчалар. Улар тун бўйи ёниб туради...

КИОДО-СИТА сурати.

ОРОЛГА БАҒИШЛАНГАН АНЖУМАН

ЛОНДОН. (СИТА мухбири Павел Овчинников). Орол денгизининг қуриши Совет Иттифоқининг Ўрта Осиё жумҳуриятларида яшовчи миллионлаб кишиларнинг ҳаётий манфаатларига бевосита дахлдор бўлган экология танглигигина эмас, денгизнинг қуриши жаҳон миқёсидаги табиат фалокатидир. Қироллик жўғрофия жамиятининг очиқ анжуманида ана шу фикр устун даражада бўлди. Анжуманда Британиядаги таниқли жўғрофия олимлари Орол теварагидаги аҳволни ўрганиш ва Оролни сақлаб қолиш юзасидан тавсиялар тайёрлаш мақсадида ССЖИга қилган сафарлари ҳақида сўзлаб бердилар.

Тўпланганлар Лондондаги «Кингсколлеж» профессори Денис Брунсденнинг ҳаяжонли ҳикоясини, Лондон дорилфунунидаги унинг касбдошлари олимлар Энтони Френч билан Ширин Акинернинг ахборотларини эътибор билан тингладилар.

«Бизнинг вазифамиз — ноёб кўлни сақлаб қолиш учун курашда малакали эксперт баҳолари, амалий тавсиялар билан ва ҳатто ушбу экология фалокатини тўхтатиш режаларини қисман пул билан таъминлаш орқали Совет Иттифоқига ёрдам беришдан иборат», деди Брунсден.

Ширин Акинер хоним Орол бўйига сафари ҳақида гапириб, Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятида ва Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларида совет маъмурларининг очиқлиги, рўй-рост гапиришларини, жумҳурият оддий меҳнатчиларининг меҳмондўстлиги ва дўстпарварлигини таъкидлаб ўтди.

КУТИЛАЁТГАН СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАР

26 ОКТЯБРЬ, ЖУМА

ЮНЕСКО ижроия кенгашининг 135- сессияси ўз ишини туғаллайди. У шу ташкилот фаолият дастурини ҳамда 1992—1993 йиллар бюджети лойиҳасини муҳокама қилишга бағишланган.

Қўшинлар ғарбий гуруҳининг қўмондони совет қўшинларининг собиқ ОФЖда бўлиши ва уларнинг бу ердан олиб чиқиб кетилиши билан боғлиқ масалалар юзасидан Вюнсдорфда журналистлар билан учрашув ўтказади.

Япония социалистик партияси ҳукуматнинг «мудофаа кучлари» составидаги ҳарбийларни чет элга юбориш хусусидаги режаларига қарши норозилик митинги ўтказади.

27 ОКТЯБРЬ, ШАНБА

Парижда зиёлиларнинг «Инсонпарвар озодлик учун» мавзусидаги халқаро учрашуви бошланади. Учрашув Франция коммунистик партиясининг ташаббуси билан ўтказилади.

Ж. Буш Микронезия давлатлари бошлиқларининг Гонолулуда бўладиган учрашувида раислик қилиши керак.

Жанубий Африкадаги апартеидга қарши ҳаракат раҳбари Нельсон Мандела Токиога боради.

28 ОКТЯБРЬ, ЯКШАНБА

ССЖИ Президенти, М. С. Горбачевнинг Францияга сафари бошланади.

Кот-Дъивуарда Феликс Уфуэ-Буаньи узлуксиз ҳукмронлик қилиб келаётган 30 йил ичида биринчи марта президентликка сайлов ўтказилади. Оппозициячилар раҳбари Лоран Гбагбо 85 ёшли ҳозирги президентнинг асосий рақибидир.

(СИТА).

ЯНГИ АЙЛАНМА ЙЎЛ ҚУРИЛАДИ

ПАРИЖ. (СИТА мухбири Виктор Хреков). Париж ҳокими Жак Ширак Париж атрофидан ўтадиган янги ерости айланма йўлини қуриш лойиҳасини тайёрлашга киришиш тўғрисида қарор қабул қилди. У «Бульвар периферик» деб аталувчи ҳозирги айланма йўлни такрорлайди. Ҳозир эски айланма йўлда автомобиллар жуда тирбанд бўлиб қолмоқда.

Бир неча йил муқаддам қурилган «Бульвар периферик» Франция пойтахтининг асосий тош йўлларидан биридир. Ҳозирги пайтда бу йўлдан кунига 1,1 миллиондан кўпроқ автомашина ўтади. Шуларнинг ўндан бир қисми — оғир юк машиналаридир. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, йўл бундан ортиқ машиналарни ўтказишга қодир эмас. Жами саккизта ҳаракат йўлкаси ҳозирнинг ўзидаёқ шу қадар катта транспорт оқимини сиғдира олмаяпти. Сўнгги йилларда пойтахт маъмурлари автомобиллар ҳаракатини мувозанатга сола олувчи бир қанча турли дастурларни муҳокама қилишди. Бироқ ниҳоятда қимматга тушиши ва катта шаҳарда қуриш мураккаб бўлгани туфайли уларнинг ҳаммаси бекор қилинди.

Мана энди янги лойиҳа устида иш бошланди. Лойиҳа «Бульвар периферик»ни «такрорлаш»ни кўзда тутади. Янги йўл бошидан охиригача ер остидан ўтади. Қурилиш ишларини икки йил ичидаёқ бошлаб юбориш мўлжалланмоқда. Йўлнинг ҳар бир километрини қуриш тахминан 10 миллион франкка тушади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, ҳар куни қарийб ярим миллион автомобилчи янги трассадан фойдаланади. Бу эса «Бульвар периферик»дан ўтадиган автомобилларни деярли учдан бир ҳисса камайтириш имконини беради. Янги йўл пулли бўлади. На илож, Париж остидан «ўқдек учиб ўтиш» учун пул тўлаш керак.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

НАВБАТДАГИ ЯНГИ НАШР

● «ГИННЕСНИНГ Рекордлар китоби» Лондонда нашр қилинди. 15 мингдан ортиқ турли рекордлар ва бошқа қизиқарли маълумотлар китоб саҳифаларидан ўрин олган. Бу китоб ҳозирги кунда дунёнинг ўнлаб мамлакатларида ўз тилларида нашр қилинмоқда. Шунингдек, рус тилида ҳам ва бунинг ажабланарли жойи йўқ. Чунки жуда кўп рекордлар мамлакатимизда ўрнатилади. Масалан, бу йил май ойида кунлик рўзномалар ичида «Комсомольская правда» дунёда энг кўп (21975000) нусхада чоп этилган. Ҳафталик рўзномалар орасида эса «Аргументи и факти» биринчи ўринда. У 33431100 нусхада чиқарилиб, 100 миллиондан ортиқ киши уни ўқийди.

ҚАЙТАДАН ТУҒИЛДИ

● ПАРАНА штатининг (Бразилия) Куритиба шаҳрилик бир ярим ёшли гўдак Лукас Панкрадиу онаси ва опасининг кўз ўнгида 13 қаватли уйнинг деразасидан пастга ағанаб тушди. 30 метрдан кўпроқ баландликдан шўнғиган кичкинтой биринчи қаватдаги дераза роми устига тортилган матога йиқилди. Зарб шу қадар кучли эдики, мато йиртилиб кетди, металл тирғаклар букилиб қолди. Тасодифни қарангки, Лукас мато билан темир тирговичлар ўртасига тушди. Натижада боланинг ўнг билаги синди ва кўп жойидан лат еди, лекин булар хатарли эмас экан. Чунки у касалхонадан тезда соғайиб чиқди.

ДАЗМОЛЛАР КОЛЛЕКЦИЯСИ

● ФРАНЦИЯНИНГ Рубе шаҳрида қадимий дазмолларни йиғувчи клуб ташкил этилди.

Клуб вакиллари томонидан ҳозиргача мингдан ортиқ дазмол турлари ва у тўғрисида ёзилган бутун бир қироатхонага жо бўларлик адабиётлар тўпланган.

Қайси турдаги дазмол қачон пайдо бўлганлиги ҳақидаги саволларга ҳам бу ерда бемалол жавоб топиш мумкин. Масалан, кўмир билан ишлайдиган дазмоллар XVII асрда пайдо бўлган. Унгача эса ёниб турган кўмир солинган товага ўхшаш қурилмада кийимлар дазмолланган. Ундан сўнг кўмир ўрнини спиртли горелка эгаллаган.

Булғориянинг «Орбита» ҳафталигида ёзишларича, электр дазмоллар 1913 йилда ўйлаб топилган.

Бугунги саҳифамизда Раъно Раҳмон қизининг муҳарриритимизга йўллаган ўтмиш адабиёти намуналаридан Биби Фотима ҳақидаги ривоятни эълон қилишни маъқул кўрдик.

Ниятимиз: Севги, муҳаббат дарду қувончларидан баҳраманд ёшлар кўнгилларига бир таскин бўлсин, одамзод англаб етган-етмаган абадиятда ўткинчи ҳаёт ташвишлари устидан ҳамиша ғолиб маънавий бойликлар ҳам мавжуд эканлигини ҳис қилсин.

Ушлик Инобат отиннинг ҳазрати аёл — Биби Фотиманинг тўйлари ҳақидаги қиссаларини эслайман.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг севимли қизлари Биби Фотима Заҳро билан саҳоба ҳазрат Алининг никоҳлари Арши Аълода фаришталар томонидан ўқилган экан. Оллоҳ таоло Жаброил алайҳиссалом орқали ваҳий юбормишлар, сўнг эса никоҳ ўқилди, энди тўйини бошламоқ керак. Тангри тарафидан ҳазрат Жаброил бошчилигидаги фаришталар, куёв томондан саҳоба ҳазрат Билол (у киши аввал қуллардан бўлиб исломни дастлаб қабул қилган эканлар). Элчи бўлиб, одат бўйича маҳр белгилаш учун келиннинг розилигини сўраган ҳоллари шундай таърифланмиш.

Ҳазрат Билол айтдилар,
Ё Фотима, дедилар.
Ҳаққингизга солдик биз,
Юз минг тилло дедилар.

Тиллони мен олмасман, балоларга қолмасман,
дея рад қилдилар Биби Фотима.

Ҳазрат Билол айтдилар.
Ё Фотима дедилар.
Саккиз жаннатни солдик,
Ҳаққингизга дедилар.

МОМО ҲАВО НАФАС ҚИЛГАН АБАДИЯТ

Биби Фотима жаннатга ҳам рози бўлмадилар.

Ҳазрат Билол айтдилар,
Ё Фотима дедилар.
Ҳуру малоикалар
Ҳаққингизга дедилар.

Биби Фотима рад қилдилар.

Ҳазрат Билол айтдилар,
Ё Фотима дедилар.
Арши Курсийни солдиқ,
Ҳаққингизга дедилар.

Биби Фотима яна рад қилдилар. «Арши Қурсийни мен олмасман, Арши фалакдан мен ерга боқмасман», дедилар.



Кавсар сувлари-ю, малоикалар, жаннат боғлари-ю жумла зийнатларни, Арши Қурсийларни рад қилдилар. Фаришталар бетоқат бўлиб ҳазрат — Билолни шоширмишлар. «Ё Билол, Тангри таолонинг дўсти, ердаги элчиси Муҳаммаднинг севимли қизлари, Тангримизнинг эрка ва орифа бандаси, канизлари мукаррама Биби Фотима Заҳро нима тилайдилар, айтсинлар, жамоат мунтазир қолди» демишлар.

Биби Фотима тилакларининг мазмуни ушбу турур:

«—Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳимдан қиёмат кунида... минг гуноҳкорнинг гуноҳларини ўтиб, авфу этиб, жаннатдан жой беришларини тилайман».

Ваҳий етдики, тангри қабул қилди.

— Йўқ, шошмасинлар, меҳрибон Эгамга яна бир ўтинчим бор, — дедилар Биби Фотима.

— Айтсинлар...

— Тангримдан шу розиликларига ҳужжат тилагайман. Ҳужжат қилиб муҳр босиб берсалар, ушбу ҳужжатни — бебаҳо сепимни қиёматга қадар асрайман.

Фаришталар Тангри ҳузурига энмишлар, бир лаҳзада хатни Биби Фотимамизга етказмишлар.

Айтишларига қараганда, ушбу ҳужжат Биби Фотимамизнинг қабрларига ўзлари билан қўйилмишдир. Энди ул киши қиёмат куни... шунча минг мусулмоннинг гуноҳини сўраб оллоҳнинг ҳузурига чиқгайлар...

Дунё молини тиламадилар. Арши Қурсию кавсар ариқларини рад қилдилар, бандаларга авф тиладилар... Ул кишини Тангри ўзи ёрлақасин ва барча яхшилар қаторида бизни ҳам барча муслим ва муаллимларни ўзи ёрлақасин, дея Қуръони Каримдан сура қироат қилиб ҳикояларини якунладилар Инобатхон отин бегим.

— Ҳазрат Али биби Фотимага ҳеч қалин бермаган эканлар-да, сўрайман ҳикоянинг давом этишини истаб.

— Ҳазрат Алининг мол-мулки, бойлиги бисотидаги уч нарсаси экан: дул-дул оти, пўлат қиличи, чўян қалқони... Унинг адо бўлмас, туганмас бойлиги эса иймон-эътиқоди, Оллоҳга бўлган муҳаббатидир. Оллоҳни севган киши борлиқни — Оллоҳ унга берган ризқ-рўз, ер-осмонни, аёл тимсолида ато қилган бахту саодатни жо қилиб, шу улуғ муҳаббатга ўзини бағишламаслиги мумкинми?

— Мўмкин эмас, — дейман отин ойим таърифлаётган улкан муҳаббатнинг залворини жуссамда ҳис қилиб. Гўё менинг жисмим улкан муҳаббат қаршисида ушоқланиб, кичрайиб ерга кириб кетаётгандай. — Бу бахт — қисмат ҳаммага насиб этавермаса керак, айтганингиздай Тангри ўзи ёрлақаган бандаларига ато этса керак бу ориф қисматни.

— Ундай деманг, қизим, Тангри умид қилган, интилган бандасини ёрлақайди, ноумид шайтон. Интилганга толе ёр жумласида худди шунга нисбат жаъмдир.

Нафс чирмаб ташлаган жисмимиз, руҳимизни покламай туриб муҳаббатга эришиб бўлмас. Хатолар, нуқсонлар, беандиша сўзлар учун, чакки қадамлар учун чин дилдан тазарру қилмоқ билангина дил оғриқларига малҳам топиш мумкин.

Ҳа, қизларжон, Муҳаббат қадимий ва ҳар дилда янгидан порлагувчи ҳаёт чироғидир. Покликдан, софлик, ишончу иймондан озиқ олади... Биз уни асрай олсак, у бизни Момо Ҳаво нафас қилган абадиятга етказа олгай. Илоҳим, шундай қисмат умидли дилларга ёр бўлсин!

Раъно РАҲМОН қизи.

Муҳаббатнома

Мирзо ҚЕНЖАБЕК.

Катта танаффуслар

Менинг ибтидоий муҳаббатимдан
Кулма, қўзғалмасин дард-афсусларим.
Сенинг қўлларингга термулиб ўтди
Энг узун, энг қисқа танаффусларим.
Рўмолча тўқийсан, иккимиз жиммиз,
Мактаб ҳовлисида ҳайқириқ, шовқин.
Бизлар бир-біровга аслида киммиз? —
Йироқ ҳам кетмаймиз, келмаймиз яқин.
Қалбимда бир синф боладек сўзлар —
Сиқилиб ётади бағримни тилиб.
Умид қўнғироғин чалса бу кўзлар,
Бари ташқарига чиқса отилиб!
Синфга навбатчи кирар: — Ана боғ,
Борингглар, чиқинглар. —
Қовоғин уяр.
Боғда аламзада рақибим бу чоқ
Шафтоли шохини синдириб қўяр.
Аммо рашк қилгулик ҳолат йўқ бунда,
Юракда ғимирлар, чиқмас сўзларим.
Сенинг рўмолчангга термулиб ўтди
Энг узун, энг қисқа танаффусларим.
Кўникдим: учинчи соатдан кейин
Катта танаффусга бўлар қўнғироқ...
Тириклик дарслари бунчалар қийин,
Ҳижрон танаффуси бунчалар узоқ!
Бизларни ҳайдади Вақт — навбатчи,
— Чиқинглар, — деди у турткилаб кифтга,
Энди сукут учун бўлса ҳам, айт-чи,
Қайтиб кирамизми ўша синфга?!
Йўқ, сукут кетмайди, ниятим барҳақ,
Мен ошкор этаман қайтмай шаҳтимдан:
Майли, кимдир кулсин, кулсин бутун халқ
Менинг ибтидоий муҳаббатимдан.
То ҳаёт синфидан олиб кетмай бош,
Сўнгги танаффусга чиқмай, айтайин:
Мен яхши кўрардим сени, синфдош...
Мен яхши кўраман сени, Ватаним!..
Шеърим парвоз қилсин, сўзларим учсин
Юртимнинг ҳаётбахш шамолларида.
Сен эса рўмолча тўқийсан маҳзун
Умрбод Мирзонинг хаёлларида.
Оҳ, менинг илк дардим, илк афсусларим,
Энг узун, энг қисқа танаффусларим.

Эркаклар нигоҳида: аёл, оила, жамият



Қулман ОЧИЛ, журналист.

— Эр-хотин оила деб аталмиш мўъжаз қайиқнинг қўш эшкакчиларидир. Ҳаётда қатағон, қувғин, уруш, ички низолар, тазйиқ ва ўлим каби турли тўфонлар хавфи сақланиб қоларкан, айниқса, эркакнинг бошига кутилмаган кулфатлар тушиши мумкин. Ана шундай мусибатли дамларда иккинчи эшкакчи, берсанг еяман, урсанг ўламан, деб, қўл қовуштириб ўтирадиган заифа эмас, зарб еган қайиқни қолган оила аъзолари билан бирга нурли соҳилларга эсон-омон етказиб бороладиган ҳамда ҳалокатга юз тутган умр йўлдошини-да қутқариш қўлидан келадиган аёл бўлмоғи лозим. Бу иш ундан катта матонат, жасорат, билим ва ақл талаб этади. Оталари Сталин қатағонларида қурбон бўлган Чингиз Айтматов, Одил Ёқубов, Комил Икромов, Ҳабибулла Қодирий каби улуғларимизнинг, урушда падаридан ажралиб ёлғиз волидасининг қўмагида оёққа турган минглаб кишиларнинг оналари ана шундай аёллар бўлишган...

Бизда ҳамма ҳамиша давлатдан мадад кутишга ўргениб қолган. Инсон биринчи галда халққа ва ўзига ишониб яшамоғи лозим. Чунки фуқаро билан ҳокимият ўртасида ҳам ихтилоф юз бериши ва сендан энг яқин дўстларинг, қариндош-уруғларинг ҳам ўзларини олиб қочишлари мумкин. Шунинг учун оналаримиз — жуфтиҳалолларимиз, опа-сингилларимизнинг барчаси илмли, билимли, касб-корли, ҳақ-ҳуқуқини ажратиб олиш имкониятига эга бўлганлари яхши. Дарвоқе, уларнинг ҳаммаси юқоридаги имкониятларни қўлга киритсалар, жамият адолатга эришиб, кулфатлар камаяди. Шундай бўлса-да эски ақидага амал қилган маъқул: Яхши кунлардан боумид яшаю, ёмон дамларга ҳозир тур.



Турғун НАЗАРОВ, «Халқ сўзи» рўзномаси масъул котиби.

— Агар эплаcа аёл мамлакатни ҳам бошқарсин, уйни ҳам. Эплолмаса-чи? Унда биридан воз кечиши керак.

— Севиб турмуш қурганмисиз?

— Йўқ. Лекин сиз қайта уйланасиз дейишса, яна ўз хотинимга уйланган бўлардим. Ишиниям эплайди, эрига, болаларига қарашга ҳам вақт топади, энг асосийси, турмушидан норози эмас, демак, ҳаётимиз ёмон кечмаяпти.



Фарҳод РЎЗИЕВ, иқтисодчи.

— Жамиятда иккита функция бор: ишлаб чиқариш ва таълим-тарбия. Аёллар кўпроқ иккинчиси билан машғул бўлгани маъқулроқ.

Оилавий можароларга сабаб (Ўзбекистон шароити мисолида айтсак) биринчи галда иқтисодий етишмовчиликлар бўлса, баъзан эр-хотин муносабатларидаги тушунчалар муштарак эмаслигидандир.

Эр хотинининг ишлашини хоҳламаса, замонга мос бўлмаган феодалларча ёндашув деб тушунишади. Аслида шундайми?

Мен истардимки, эр жамоатда фаолият кўрсатса-ю, хотини уй-рўзғор юмушлари билан банд бўлса.

Тўғри уйда диққинафас бўлиб ўтириш ҳаммагаям ёқавермайди. Чиройли кийиниб, яхши яшаш ҳар бир аёлнинг орзуси.

Эрнинг топгани қониқтирмаслиги мумкин. Мана шундай муаммолар гирдобида одамзод кун кўриш учун не ҳолларга тушмайди, дейсиз.

— Аёл уйда ўзини қандай тутиши керак деб ўйлайсиз?

— Хотин ҳар доим ҳам эрига тобе бўлсин, демайман. Мустақил фикрга эга, тадбирли-мулоҳазали аёллар шундоқ ҳам эрини ҳурмат қилишади. Аёл ўз номи билан барибир аёл. Ўзини билимдон, ишбилармонликда эридан устун қўйган хотин кишини тўғри маънода ақлан заифликда айблайман.

— Оиланинг мустаҳкамлиги учун муҳаббат зарурми?

— Оилага меҳр зарур!



Сафар ОСТОН, «Ўзбекистон физкультурачиси» муҳаррири.

— Сафар ака, аёл кишининг жамиятда тутган ўрнини сиз қандай тушунасиз?

— Аёллар ҳақида гап кетса, мен бундан ҳеч бўлмаганда ўн аср илгари туғилмаганимга ачинаман. Ўшанда уларнинг елкаларида кетмонни, йўлларда асфальт ётқизаётганликларини, қадоқ қўллари билан темир дастгоҳларни бошқараётганликларини кўрмасдим. Қамоқхоналарнинг совуқ, тунд дарвозалари олдида кўз ёш тўкиб ўтирган оналарни учратмасдим. Мен уларни ҳар гал бундай ҳолда кўрганимда хўрлигим келади... Уларга ёрдам беришга ожизлигимдан эзилиб кетаман.

Уларнинг қўллари биз эртакларда эшитганимиздек нозик бўлишини, чаккаларида райҳонларни кўришни истайман. Қаламқошларидан ўсма аримасин, дейман. Қадди-қоматлари тик, гўзал бўлиши, бошларини дадил кўтариб юришларини, бир тўп бахтли болалари даврасида бахтиёр ўтиришларини хоҳлайман. Шунда улардан заводда, қурилишда, қуёш тиғида далада ишлаганликларидан кўра кўпроқ, минг чандон кўпроқ фойда бўларди.

— Ўзингизнинг турмуш ўртоғингиз-чи, ишлайдими?

— Ишлайди. Боғчада тарбиячи. Аммо ўз болаларига қарашга унинг ҳам вақти йўқ. Аёлларимизнинг ҳаммаси бир кемада. Қисматлари ҳам бир. Қачондир улар бу қисматдан озод бўлишар.

Бир рубобнинг икки тори



Аҳрор АҲМЕДОВ, Ўзбекистон ЛКЕИ МҚси матбуот шўъбаси мудири.

— Аёлларнинг ишлаш-ишламаслигига қандай қарайсиз?

— Биз бунга яхши қараймизми-ёмонми, бу билан аёлларнинг шарт-шароити ўзгариб қолмайди. Қолаверса, бундай масалаларни бир қолипга солиб бўлмайди. Буни ҳар бир оила ўзи, ўз шароитидан, ўз имкониятидан келиб чиқиб белгилайди. Қайсидир оила тўкинлиги, эҳтимолки бахтини икковлон бўлиб ишлаганда топади, қайсидир оила эса аёл ишламаганда...

Шундай экан, бизнинг ҳою ҳавасларимиз, баландпарвоз ниятларимиз жамиятнинг бизга кўрсатаётган кароматлари олдида бир пул. Демоқчиманки, ҳаммаси бизга эмас, жамиятга, унинг қудратига ва инсофига боғлиқ.

Қадим-қадимдан эркак кишининг гўри аёлникидан бир ғишт баланд бўлиб келган. Эркаклар шундай халқки, тиригида ҳам бир поғона баланд юришни афзал кўради.

* * *

Мен ўзимни анчадан буён ўйлатиб юрган саволлар билан энг аввало ҳамкасбларимга мурожаат қилдим. Уларнинг айрим фикрлари эҳтимол кимларгадир ёқмас, баҳсга, мунозарага сабаб бўлар. Мақсадимиз ҳам аслида шу: опа-сингилларимиз, оналаримиз қисмати ҳақида бир зум бўлсада ўйлаш, мулоҳаза қилиш. Сиз, азиз муштарийлар ҳам бу борада сукут сақламассизлар, деган умиддаман.

Суҳбатни Меҳрибон ҚУРБОННИЁЗОВА уюштирди.

Ким нима дейди?

СЕВГИ: ТАСОДИФМИ Ё ЗАРУРАТ?

Тушунамиз, инсон ҳис-туйғулари, руҳий кечинмалари билан боғлиқ муқаддас туйғуни ҳар қанча таърифламанг, барибир у ҳамиша сирли ва мавҳум бўлиб қолаверади.

Муҳаббат ҳақида ягона хулоса йўқ. Ҳар ким ўз дунёқараши, ҳаёт тажрибаси, атроф-муҳити, яшаш шароитларидан келиб чиққан ҳолда фикрлайди. Нима, дейсиз, севги инсон онгига боғлиқми, йўқми? У тасодифми ё зарурат?!





ҲУСН ҚУНДА КЕРАК. БИЛИМ ҲАМ...

А. МИРЗАЖОНОВ ва Е. ХУЖАМБЕРДИЕВ суратлавҳалари.

ҲАДИСДАН

РАҲМЛИ ВА МЕҲРИБОН ТАНГРИ НОМИ БИЛАН РАСУЛУЛЛОҲ АЛАЙҲИССАЛОМ АЙТАДИЛАР:

Ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқу одобдан буюкроқ мерос беролмайди.

* * *

Яхши одам бамисоли аттордир. Аттордан бирор нарса олмасангда, ундаги нарсаларнинг ҳидларидан баҳраманд бўлиб турасан.

* * *

Инсон фарзанди яратилганда ёнида ўлимнинг 99 сабаби ҳам бирга яратилади. Агар у шу ўлимлардан халос топиб яшасагина унга қарилик насиб этади.

* * *

Кимки отасининг вафотидан кейин ҳам унга яхшилик қилишни истаса, унинг ёру биродарлари билан алоқани узмасин.

* * *

Ҳалол касбдан чарчаб ухлаган одам гуноҳлари кечирилган ҳолда туғайди.

* * *

Кимки ота-онасининг розилигини олган бўлса, унга қандай яхши! Тангри унинг умрини узайтиради.

* * *

Ҳақиқий мўминнинг қўлидан ҳам, тилидан ҳам мўминлар озор топмайдилар.

* * *

Кимки одамлардан ҳаё қилмаса, у Тангридан ҳам уялмайди.

* * *

Икки қиз фарзандни боқиб, тарбиялаб вояга етказган одам билан Мен жаннатда бирга бўлурман.

Янги ойнасўз: «Шахсий хат»

Шахсий хатларни кўпчилик ҳукмига ҳавола этиш одобданмас, бу ишларни нотўғри, дерсиз, балки. Таомилга зид бўлса-да, фикримизни асослашга ўтамиз.

Инсон юраги бир дунё. Ҳис-туйғулар ҳукмрон бу дунё ўзига хос гўзалликлари, ажойиботлари билан ниҳоятда тор ва шу қадар кенг бўлиши мумкин. Унинг эшиги ҳамиша ҳам очилавермайди. Энг самимий ва нафис дил туйғулари унда мужассам.

Инсонийлик, одоб-ахлоқ борасида ёшларга сабоқ бўлгувчи ва ўз навбатида кўнгилларга ором бағишловчи икки дил муносабатларидаги сирларидан кўпни воқиф этсак, гуноҳга ботмасмиз, ахир.

Қўлимизда 20 та мактуб. Ундан 3 таси рўзнома юзини кўраяпти. Ойнасўз ҳаракати сизга манзур бўлса, мактубларини эълон қилишни давом эттирамиз.

СЕНГА АЙТИЛМАГАН СЎЗЛАР

БИРИНЧИ МАКТУБ

Мен сувсиз қолган балиқнинг оғзини каппа очиб ерда ётганини, кейин ўша балиқни сўйишганини ва қовурилаётган пайтида ураётган тирик юрагини кўрганман. Тирик балиқ сўйишга ўрганма. Сен сира ҳис қиласанми бунинг даҳшатини?..

Бугун ёнингдан ўтиб кетаётиб бу ҳақда сенга ҳеч нарса демадим; сенинг қандай яшаётганинг эмас, қаерда яшаётганинг ҳақида сўрадим. Гўё ичига арилар ин қуриб олган бахтсиз Қувурга ўхшайман; арилар гоҳ тўзиб кетади, гоҳ симиллаб азоб беради; қувурнинг қаттиқ портлагиси келади. Лекин унинг икки томони ҳам берк.

Олдингдан кўпинча руҳимни занжирбанд ҳолда олиб ўтаман; унинг оёқларига тушов солинган, кўзлари, қулоқлари боғланган, оғзига латта тиқилган бўлади. У қаршингда ҳамиша ниқобда ўтиради: ва бу ниқоб шу қадар ясамаки, буни яширишнинг иложи ҳам йўқ. Аммо барибир сен руҳимнинг асл юзини кўролмайсан. Аслида эса бу руҳ жуда гўзал бўлиши мумкин, аянчлиси унинг яширинлигида. Фақат бу ҳақда ҳеч нарса демайман.

ИККИНЧИ МАКТУБ

Сени театрга таклиф қилаяпман, одамлар у ерда қаттиқ изтироб чекишаяпти — ҳаққоний изтироб! Ҳаётда бўлса... ҳаётда бўлса улар ўз ролларини ҳам эплай олишмаяпти. Кеча ўзимни Олижаноб Рицарь ролига тавсия этгандим: энг нобоп, ясама ролга, истамас эдим бу ролни, лекин сенинг Масъума Қиз ролини ўйнашингни негадир жуда истар эдим. Тўғри қилгандирсан, балки бу ролни ўйнамасдан. Бу тўғрида сенга таъна ҳам қилаётганим йўқ. Лекин барибир сени театрга таклиф қилаяпман. Ахир у ерда актёрлар ҳаққоний изтироб чекишаяпти.

Бугун сен билан у ерга боришни жуда-жуда истаяпман, холос. Сўзларимни эшитган тақдирингда ҳам «тишинг оғриса, уйингда йиғла» қабилида танбеҳ беришга ҳаққинг бор; ва бу сўзинг билан занжирбанд руҳимни янада қаттиқроқ бўғишим мумкин. Мен тилимга осиб қўйилган қулфни очишни эмас, маъносини билишни истардим, аслида бунинг иложи йўқ эди. Мен негадир уни очишни ёки бузишни истамадим. Яралари билан фақат девоналар ғурурланадилар; мени яраларимни кўрсатиб мақтанаётган бемор деб ўйлашинг мумкин; эҳтимол ўзини сенда даволашга олиб келган ҳакимдирман? Лекин бугун ёнингдан ўтиб кетаётиб булар хусусида сенга ҳеч нарса деганим йўқ.

Бугун аслида ҳеч қандай томоша бўлмайди.

Кимнидир томоша қилиш, ёки томоша кўрсатиш учун бормаймиз. Фожианинг иштирокчилари сифатида азага ташриф буюрамиз. Ёки бу умумазада ўз дардларинг билан қатнашишни истамайсанми?

Театрда актёрлар ҳаққоний изтироб чекишаётир. Сен ўз ролингдан воз кечишни истамайсанми? Булар тўғрисида сенга ҳеч нарса демадим.

УЧИНЧИ МАКТУБ

Илонга сеҳрланган қурбақа сингари жимгина кўзларингга тикиламан. Майли, ютавер. Жонимни суғуриб ол; индамайман, ютавер. Бир муддат шафқат билан қараб турасанда, ортиқ ботинолмайсан, юзингни ўгирасан. Ютмайсан. Ичингдаги ўз истакларингга қарши исён кўтарасан. Қиш қуёши сингари йироқлаб кетасан.

Шунда юзимни муздай сувга босиб: «Журъатни қаердан топса бўлади?» дея шивирлайман. Сув тубидан минг машаққат билан бир қултумгина Журъат топаман. Бор-йўғи шу журъатим билан қошингга бораман. Кўзларингга тикиламан. Илонга сеҳрланган қурбақа сингари тағин журъатимни тилимга қўшиб ютиб юбораман. Қайтиб келаман, бир қултумгина бу журъат — совуқ сув шўр пешонамдан сизиб чиқа бошлайди. Яна ўша илоҳий сурат қошида тиз чўкаман; «Ишон; мен бадавлатман! Ўзинг кўрганинг, муштдай юрагимга жо бўлган дур-гавҳарлар сароб эмас, ҳар дақиқада уларни сенга бағишлашга тайёрман. Эвазига фақат сенинг кўзларингда ишонч кўролсам бас!» дея ибодат қиламан; бир умр қилмаган куфрона ишларимдан тавба қилиб, кечирим сўрайман. Унинг кўзлари руҳимга таскин беради, сен балки кечирмас эдинг. Ҳолбуки у сенинг суратинг.

...Кўзларингга тикиламан.

Бизни ўйлантираётган муаммолар

МУАЛЛИМНИНГ ЧЎНТАГИ

Барча касб кишилари ҳақида бўлганидек, ўқитувчилар ҳақида ҳам латифалар бор. Мана, шулардан бири. Эмишки, ўғрилар ўқитувчини тунамоқчи бўлиб, йўлини тўсишибди. Чўнтакларини ағдариб қарашсалар, бор-йўғи икки-учта чақа-чуқа чиқибди. Бундан ачинганлари ўғрилар ўқитувчига бир сўм бериб, қўйиб юборишибди.

Аслида кулгили бўлган ҳар қандай латифа тагида озгина бўлса-да, аччиқ ҳақиқат ётади. Шу жумладан, юқоридаги латифада ҳам.

Ўқитувчи зиёли саналади. Шу боис ҳам улар ҳар томонлама етук, бекаму кўст бўлишлари керак. Худди Японияда муаллимларга ўхшаб. Биласизми, улар нима қилишган? Мамлакат иқтисодий таназзулга юз тутганда, бутун эътиборни мактабга, ёшлар тарбиясини яхшилашга қаратишган. Мактаблар компьютерлаштирилган, устозлар маоши икки-уч ҳисса оширилган. Малакали ўқитувчилар эса давлат таъминотига олинган... Бизда яқин орада бундай бўлмаслиги аниқ. Бироқ шунга тайёргарлик кўрмаса ҳам бўлмайдиганга ўхшаб қолди. Келинг, шу тайёргарликнинг кичик бир жиҳати ҳақида баҳслашайлик. Гап ўқитувчининг ҳалол нонини кемтик қилаётган, қилиб турадиган «кўринмас қўллар» бор, десак янглишмаймиз. Билганимча, санаб берай. Аслида бу ҳақда ёзишга ўқитувчилар билан суҳбат сабаб бўлди. Лекин улар ўзларини танитмасликни лозим топишди.

Мактабларни таъмирлаш фақат оталиқ ташкилот ва хўжаликлар томонидан бажарилаяпти, дейсизми?.. Йўқ, албатта. Бу ишларга ўқитувчилар, ота-оналар, ҳатто ўқувчилардан ҳам пул йиғилган вақтлар бўлган. Яна, фан ўқитувчиси кабинет қилиш учун ҳам озми-кўпми пул сарфлайди. Фанлар бўйича тез-тез бўлиб турадиган кўргазмали семинарлар учун ҳам ҳар бир ўқитувчидан (қатнашчиларга чой-нон қўйиш учун) 1-2 сўмдан тўп-

таъбир жоиз бўлса чўнтагининг қоқлаш учун «хизмат» қиладиган сабаблар ҳақида борайти. Муаллимлар ориятли халқ бўлади, шунинг учун улардан олдиндан узр сўрайман.

Эсимда бор. Бундан 5—6 йиллар муқаддам таниш ёш ўқитувчи пахта тераётган ўқувчиларнинг 200 сўмга яқин пулини йўқотиб қўйиб, текинга икки ой ишлаб (маоши 100 сўм эди) узган эди...

Мактабларда ҳозир ҳам ўқитувчилардан пул талаб

ланади. Комиссиялар бу ҳисобга кирмайди.

Бўлиб турадиган олимпиадалар ҳам ўқитувчилар чўнтагига қарайди. Қайси фандан олимпиада бўлса, ўша фан ўқитувчиси қатнашадиган ўқувчисининг келди-кетгиси, овқати учун ўзидан пул тўлайди. Ҳеч қайси ўқитувчи мактаб шаъни учун беллашадиган болага «ўзинг пул тўла» демайди.


Ташвиқотчи бўлган муаллимга ҳам осон эмас. Шийпонни кимларгадир ялиниб, оз-моз пул сарфлаб безатади, кўргазмали воситалар сотиб олади...

Турли-туман маркалар, учрашувлар, маросимлар... Пул сўрайдиган фондлар кўплигини айтмайсизми? Булар шундай майда харажатлар, ҳатто ўқитувчиларни майдалаштириб, гоҳида ўқувчилар ўртасида обрўларини пасайтириб қўяди...

Балки юқоридаги ортиқча харажатларни одамгарчиликка йўйишар. Лекин одамгарчилик пул билан ўлчанмаслигини ҳам унутмаслик лозим. Хўш, унда нима қилиш керак? Бу саволга жавоб бор. Мактаблардаги бошланғич касаба уюшмаларида маблағ йўқми? Мактаблар ёрдамчи хўжаликларидан чиқадиган даромадлар ҳар қалай ўқитувчилардан бўлиб-бўлиб олинадиган маблағлардан кўпроқ бўлса керак. Яна мен билмаган йўллари ҳам бўлиши мумкин. Демократияни, муаллимларнинг ойлиги тўлалигича чўнтагига тушсин. Ахир, улар ҳам энди пулнинг кетидан юришлари...

Мақолани латифа билан бошлаган эдик. Ҳозир ўша латифанинг янгиси чиққан. Эмишки, ўқитувчиларнинг маоши кўпайганини эшитган ўғрилар энди паккаларини мактаблар олдига қўяётган эмишлар...

Мухлис ЖУРАБОЕВ,
Фарғона вилоятининг Олтиариқ ноҳияси.





Бухородаги «Мир Араб» мадрасасида имом-хатиблар ва муддарислар тайёрланади. Маскан толиблари Иттифоқимизнинг турли бурчакларидан келган, ислом динига мансуб кишилардир. Ушбу йилда уларнинг сафи яна 110 нафарга кўпайди.

Толиблар мадрасада «Қуръон»ни қироат қилиш ва ўрганиш, ҳуснихат, араб, форс, рус тиллари, ислом шариати қонуниятларидан таҳсил оладилар. Шунингдек, бу ерда тоат-ибодат билан ҳам шуғулланадилар.

Мадрасани тугатганлар мачитларга юборилади, ёки ўқишни давом эттириш учун Тошкентдаги ислом олий билимгоҳига йўлланма бериладилар.

А. ИЛЬЯСОВ суратлари.

ЧАНОВ ИСРОИЛГА КЕТАДИ

«Советский спорт» рўзномаси мухбири «Динамо» (Киев) командасининг дарвозабони Чановнинг Исроилга кетиши юзасидан гапларнинг рост-ёлғонлигини билиш учун клуб президенти Виктор Безверхнийга учрашди. Журналистнинг саволига жамгап президент:

— Ҳа, яқинда клубимиз, Виктор Чановнинг иштирокида Исроилнинг Хайра шаҳри «Маккаби» клуби билан дастлабки келишувни имзолади, — деди.

Журналистнинг Виктор қачон жўнаб кетиши ҳақидаги саволига: — Афтидан ноябрнинг ўрталарида, — деган жавоб бўлди.

ЛИГАЛАР ИТТИФОҚИ ЙИҒИНИ

Москвада футбол лигалари иттифоқи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакатда футболни тараққий эттиришнинг асосий йўналишлари ҳақида сўз борди. Йиғинда футбол клублари раҳбарлари, иккинчи лига айрим командалари тренерлари, ҳакамлар иштирок этдилар.

Йил давомида қилинган иш ҳақида футбол лигалари иттифоқи президенти В. Понедельник сўзлади. Унинг муовини О. Базилевич ССЖИ келгуси чемпионати тузилиши лойиҳаси борасида гапирди. Бу лойиҳанинг моҳияти спорт принципларига асосан супер лигани ташкил этиш, яхши клубларга Оврупо кубоги турнирларида иштирок этиш ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда Бутуниттифоқ чемпионатини ўтказиш, биринчи ва иккинчи лига командалари учун регионлараро ҳамда жумҳурият мусобақаларини ташкил этишдан иборат.

— Лойиҳа 13, 14 ноябрда бўлиб ўтадиган Бутуниттифоқ конференциясида келгуси чемпионат тузилишини муҳокама этадиган ССЖИ футбол федерацияси билан мувофиқлаштирилганми? деган саволга В. Понедельник:

— Бугунги гап-сўзлар таништирув характерида бўлиб, турли маҳкамаларда увар юзасидан қатъий қарор қабул қилинишига ҳали вақт бор, — деди.

Йиғинда қабул қилинган резолюцияда ССЖИ Вазирлар Кенгашидан мамлакат чемпионати ва кубоги мусобақаларини ташкил этиш, ўтказиш ваколатини 1991 йилдан бошлаб футбол лигалари иттифоқига бериш талаб этилсин, дейилади.



Раҳим ОТАУЛИ

ҚЎҲНА ШАРҚ эртаклари ва ривоятларида нафақат афсонавий дев-парилар-у сеҳргар-афсунгарлар, ҳатто оддий одамлар ҳам бир думалаб, шерга, бургутга, каптарга ва бошқа хил жониворларга айланаверадилар. Ҳинд асотирига кўра, одам ўлгач, унинг руҳи бирон-бир уй ҳайвонларига кўчиб ўтармиш, ўзимизда ҳам қадим-қадимдан «инсон руҳи абадий, ўлган одамнинг жони арвоҳ капалакка айланиб, яшаган уйи атрофида чирқираб юради» қабилидаги тасаввурлар кенг тарқалган. Бундай тасаввурлар аждодларимизнинг кўпдан-кўп сеҳрли-фантастик эртак ва ривоятларида ўз аксини топган. Маълумки, бу эртак ва ривоятлар кўнгилларда даҳшат ва тушкунлик уйғотиш эмас, балки инсоний тирикликнинг қадрига етиш, аждодлар хотирасини ардоқлаш, табиатни асраб-авайлашдек ғоят эзгу мақсадларда яратилган. Ҳатто улар уйғотувчи даҳшат замирида ҳам, Карл Маркс таъбири билан айтганда, «халқнинг ўз аҳволидан ўзини қўрқитиш», уни ҳушёр торттириб, киройи инсоний умр кечиришга чақириқ, эзгуликка даъват бор.

Афсуски, биз бугунги кунда эртакларга кўпам ишонмай қўйдик. Лекин халқ оғзаки ижоди уммонидан қониб сув ичган шундай даҳо санъаткорлар борки, улар «ўйиндан ўт чиқарганлар», яъни, ёлғонни ростдек кўрсатиб, ҳар қандай қитмир ўқувчини ҳам ишонтира олганлар. Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий», Фариддин Атторнинг «Мантиқ ут тайр», Алишер Навоийнинг «Лисон ут тайр», Гулханийнинг «Зарбулмасал» мажозий-фалсафий достонлари, Ханс Христиан Андерсен эртаклари-ю, Крилов масаллари замиридаги олам-олам маънолар кимни мафтун этмаган дейсиз!

Қуйидаги доно халқимизнинг ибратли ривоятларидан бирини мажозий-психологик ҳикоя шаклига солиб, эътиборингизга ҳавола қиларканман, ниятим — Сизни инсоний тириклик хусусида жиддийроқ мушоҳадага ундаш, сотқинлик ва майдакашлик балосидан огоҳ этиш, кўнглингизда тушкунлик эмас, киройи одам ва киройи халқ бўлиб яшашга иштиёқ уйғотишдир.

Осмон — йироқ, ер қаттиқ. Юмшоққина, беҳавотир ин-ку, дейлик, туя учун нари борса бир ҳатлам. Лекин манови нинадек қисқа ва ингичка оёқларда унга етиб олишнинг ўзи бўладими! Устига устак, нақ оғзида анови аблаҳнинг ҳурпайиб турганини қаранг! Ўзига ҳам роса сичқоннинг ини минг танга бўлди-да! Нажот йўли қайда? Кошки бу чордевордан ташқарига қочиб чиқа олса! Йўқ, ҳалигина униаб кўрди. Овора бўлгани қолди. Ортидан анови падаркусур қувлаб боракан, муст-маҳкам эшикни кемириб-тешиш учун имкон қани?! Беомон чангалга базўр чап бериб қолди-ю жон ҳалпида чийиллаганча қадрдон ин томон югурди. Бироқ манзилига етиб боролмади. Ярим йўлда залворли чангал устидан босиб тушди. Нафаси қайтиб кетди. Бўғилиб ўлдим, деб ўйлади ўзича. Йўқ, ўлмади: баданига тиғдек ботган тирноқлар нимагадир тўсатдан ёзилди. Ёзилишга ёзилди-ю... нима бало? Кўкка учяптими? Ўзи учяптими ё жони? Хайрият, ўзи экан, мана, ҳайтовур, ерга қайтиб тушди-ку! Оббо, ерга эмас, тағин анови аблаҳнинг чангалига тушибди, шекилли?! Ие, тағин кўкка учяпти-ку! Бу қанақаси?!

Нима қиляпти анови аблаҳ мушук?! Ейдиган бўлсанг е-қўй, нокас, шу топда ўйинга бало бормий У ер-у осмон ўртасида бўзчининг мокисидек зув қатнаб, нақ аросатда-ю, анови итдан тарқаган Бароқвойга ўйин керак! Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ деб, ўйининг қургурнинг қилиғини қара-чи!

Шуниси етмай турувди. Бу нокаснинг дастидан ўлар бўлса ўлиб бўлдику!..

Эҳ-ҳ, бир пайтлардаги қудрати ҳозир бўлармиди: лаоқал бир зум аслига қайтиб қолармиди! Муттаҳамни товонлари остида босиб шунақанги янчардики, чалпак қилиб ташларди, худо ҳаққи!..

Ҳа, қачонлардир у кўрсичқон эмас, туя эди. Асли-насли нортуя эди! Ҳар бири тоғдек-тоғдек қўш ўркачи бор эди. Қадами истаган жойга етарди. Оёқлари устундек залворли, товонлари рапидадек катта эди. Ҳар босганида нақд қирқта сичқонни янчиб ташлаши мумкин эди. Одимлари шу қадар салобатли ва йирик эдики, унинг бир ҳатлаши сичқонман деганларнинг минг ҳатлаши билан баробар эди. Бўйнини чўзганида омбирдек тишлари керак бўлса наинки янтоқ, осмони фалакдан юлдузни узиб олгудек эди. Хуллас, қудрати чексиз, бардоши бениҳоя, эрки ўзида, бахтидан сархуш, қисматидан миннатдор бир нортуя эди. Манови каталакдек ҳужра ташқарисидаги туянинг бардошидан-да бениҳоярок ясси даштнинг чинакам эгаси эди. Тўғри, ўзини ҳам мутлақ эгасиз деб бўлмасди. Лекин номигагина эга, аслида йўлдошми-қисматдош эди у! Ўша туякашнинг аҳён-аҳёнда ўтин ташиганини ё беканинг кунига бир марта сутини соғиб олганини айтмаса, назарида, ундан экринроқ, ундан хотиржамроқ, ундан бахтлироқ тирик жон бу оламда йўқ!

Ўша фараҳбахш кунлардан бирида туякашнинг кўнгли Маккатилло деган жойга сафарга боришни тусаб қолса бўладими! Нотавон кўнгилга қўтир жомашов. Номард экансан, бардошинг масали чоғ экан, тинчгина ўтинингни териб юравермайсанми?

Ҳар не бўлса — бўлди, лекин,сирасини айтганда, эсласа эслагулик сафар бўлувди-да ўшанда! Тоғ ошиб, дарё кечиб, кундузи — қудуқ, кечалари — юлдуз санаб, ўзидек қирқ туянинг ортидан қирқ биринчи бўлиб юра-юра, ниҳоят, манзилга етиб бордилар. Маккатилло деса дегудек жаннатмакон жой экан манзиллари! Ана Макка-ю, мана Макка! Нақ тиллодек товланади. Янтоқнинг тикани қаёқда-ю, Макканинг марвариддек донлари қаёқда! Устига устак, ана сизга ясси дашт! Ана сизга кенглик! Ана сизга осмонўпар эҳромлар!.. Нимаси биландир ўзи учун жондек азиз қадрдон даштни эслатувчи ўша жаннатмакон юрт оралаб кечган уч куни... худди тушга ўхшайди!

Йўқ-йўқ, ўшанда кўрган-кечирганлари, майли, туш бўла қолсин эди. Маккатиллога икки сандиқ юк ортмоқлаб, устига устак, туякашни кўтариб не машаққатлар билан борганини, аллақандай қоронғу карвонсаройда қамалиб ётгани, туякашнинг уни бошдан оёқ оқ сурпдан ридо кийган бир рўдапога рўбарў қилгани, узоқ савдолаша-савдолаша беш тиллога сотгани, ўша рўдапонинг бурнига темир қозиқ санчиб, ип ўтказмоқчи бўлгани... барча-барчаси кошки туш бўлса! Мингдан-минг афсуски, туши эмас, ўнгги эди у! Йўқса анови бадавий бурнидан ип ўтказаётганида оғриқдан кўз олди қоронғилашмасдику. Мисли кўрилмаган азобга чидаёлмай асов отдек юлқинмасди-ку! Оғзидан кўпик сачратиб ўша қонхўрга ташланмасди-ку! Аввалига уни, сўнгра туякаш йўлдошини елкасидан ғарчча тишлаб, тўрт ҳатлам жойга увада латтадек ирғитмасди-ку. Ерда узала тушиб ётган эгасининг, йўқ-йўқ, қирқ йиллик қисматдоши, сафардош-йўлдошининг ингроқ аралаш сўкинишлари, ҳали бурун тешиги битмай туриб, қулоқларини ўқдек тешиб ўтмасди-ку:

— Оббо, итдан тарқаган-э!.. «Ит қутурса эгасини қопади»... Бироқ сен... туясан-ку, баччағар!..

Ўзига ишонгандек ишонган йўлдошининг бўралатиб сўкишлари бениҳоя улкан сабр косасини баттар тўлдирди. Оғзидан кўпик сачратиб пишқирди «Суф-э сендек нокасга! Менга йўлдош эмас, эга бўлсанг эгадирсан, бироқ яратган эгаммасдирсан, ҳар қалай? Эгамберди деб... ўз йўлдошингни сотасанми? Мақсадинг — сотиш экан, Маккатиллога олиб келиб сотишинг шартмиди, ноинсоф?! Агар қатордаги норим сен бўлсанг!.. Асли ёмон йўлдош ёлчитмас экан, йўқса менга бурундуқни раво кўрармидинг!..»

Ғазабдан дағ-дағ титраркан, аввалига олгувчини ҳам, сотқувчини ҳам пашшадек эзғилаб ташламоқчи бўлди. Тағин шайтонга ҳай берди. Улар-ку, тегишли жазоларини олди. Энди жаҳл устида ўзи ҳам инсофини еб қўймагани маъқул!.. Шаҳд билан ортига бурилди-ю келган йўлидан чопқиллай кетди. Йўқ, анови нокасларнинг иккаласиям чучварани хом санашибди. Бурнига ип боғлатиб яшайдиган бўлса, бундай юртнинг маккасидан ўз юртининг янтоғи афзалроқ! Қолаверса, киндик қони томган ясси даштни дунёнинг молига алишмайди у! Қадрдон даштга интилиб, ёлғиз ўзи узоқ адашиб-улоқди. Қирқ кеча-ю қирқ кундуз бетиним лўкиллади. Ниҳоят, Ҳимолайи-Ҳиндиқуш ишқилиб баланд бир тоғ ёнбағрига етиб келди. Кенглик узра қушдек учиб қолдан тойган эканми, энди, юксаклик олдида ўзини чумолидек ночор, айни чоғда, филдек оғир ҳис қилди. Тоғ этагида нажот истаб узоқ тентиради. Наҳот бу тоғдан ошиб ўтиб бўлмаса? Наҳот юртга қайтишнинг ягона йўли шу бўлса? Қайдан чиқди бу бало тоғи? Ахийри тиз чўкиб кўкка тавалло қилди: «Ўзинг йўл кўрсат, ўзинг мадад бер, яратган эгам! Токи мен манови балонинг устидан қушдек учиб ўтай! Майли, оламдаги энг бесўнақай, тасқара қуш бўлай, фақат туя эмас, қуш бўлай!..» Осмонўпар чўққига кўз тикиб чўккан қўйи тураверди-тураверди. Шу турганча тошдек қотди.

[Давоми бор].

ТВ

26 ОКТЯБРЬ — ЖУМА

● **УзТВ I**

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 Ботаника. Бутагулдошлар оиласи. 12.00 «Городецк ўйинчоқлари, «Энг жанубий». Телефильмлар. 12.30 «Қизил қор ёққанда». Бадиий фильм (Ялта киностудияси).

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 Мультконцерт. 18.40 «Саноатимиз корхоналарида». Такомиллаштирилган пахта териш машинаси ҳақида. 19.20 Тижорат хабарлари. 19.30 «Ахборот» рус тилида. 19.50 «Санъат» муштарийларига. 20.10 Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши сессияси олдидан. 20.30 «Ахборот». 20.50 Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги олдидан. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Санъат усталари». Ўзбекистон ССЖ халқ ҳофизи Очилхон Отахонов. 23.15 «Қамоқ муддати ўтгунгача». Бадиий фильм («Мосфильм»). 00.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● **МТ I**

7.00 «120 минут». 9.00 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 9.45 «Орзунинг ушалиши». Мультфильм. 10.15 «Инсон ва қонун». Ҳуқуқий видеоканал. 11.30 «Сударушка» вокал квартетининг концерти. Свердловскдан кўрсатилади. 11.50 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 12.50 Коллаж. 13.00 «Вақт».

* * *

16.00 «Дюмчахон». Мультфильм. 16.30 «Махфий фарватер». 4-серия. 17.40 Тембрли баянчилар ансамблининг концерти. 17.55 Австрия учрашувлари. 18.55 Шеърият лаҳзалари. 19.00 «Вақт». 19.30 «Қувонч билан шифо бағишлаш», «Карпат оҳанглари». Телевизион ҳужжатли фильмлар. 20.10 В. Прокушова куйлайди. 20.30 «Мўъжизалар даласи» капитал-шоуси. 21.30 «Вақт». 22.00 «ССЖИ Ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра». 22.15 «Бу бўлган... бўлганди...». 22.35 Коллаж. 22.40 «ВиД» программаси. 01.40 «ТСН».

● **МТ II**

9.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.

Ўқув программаси

9.15, 10.25 Илмий-оммабоп фильмлар: «Малика бўлмоқчиман», «Малика ва одамхўр». 9.35, 10.45 Тарих. 5-синф. Петербург. — Россиянинг янги пойтахти. 9.55 Инглиз тили, 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 11.35, 12.35 Тарих. 8-синф. Александр Невский. 12.05 «Бугунги Буюк Британия». Ҳужжатли фильм. Инглиз тилида (Буюк Британия).

* * *

13.05 «Осойишта хонадон». Телевизион бадиий фильм. 14.35 «Иссиқ уй»ни излаб». Телевизион ҳужжатли фильм (Киров шаҳри). 15.05 Такрорий телефильмлар сеанси. «Ботқоқликдаги кишилар. Полесье воқеаси». Саккиз серияли телевизион бадиий фильм. 8-серия. 16.15 Е. Мартинов куйлайди. 17.00 «Бизнинг мерос». 30-йиллар живописи». Третьяков галереясидаги кўргазма ҳақида. 17.30 В. А. Моцарт. «Реквием». Домск концерт залидан кўрсатилади (Рига). 18.30 «Иккинчи». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. «Псковмаш» заводининг директори С. Н. Горбунов ҳақида («Союзтелефильм»). 19.00 «Вақт» (сурдо таржимаси билан). 19.30 «Хотира» вокал туркуми. Е. Камбурова ижро этади 19.45 Коллаж. 19.50 «Орқага йўл йўқ». Биринчи қисм — «Тақдирлар...». 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Учта чўчқа боласи». 20.45 «Орқага йўл йўқ». Иккинчи қисм — «Қўлга олиш». 21.20 Москва фольклор жамоаларининг концерти. 21.55 Спорт ҳамма учун. 22.10 ССЖИ Олий Кенгашининг сессиясида.

* * *

23.40 «Гусарнинг унаштирилиши». Телевизион бадиий фильм («Мосфильм»).

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 28602.